


O'ZBEKISTON

TARIXI

3-4/2016

HISTORY OF UZBEKISTAN



16. VI - 2014



O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

3-4
2016

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов хотирасига

Ислом Абдуганиевич Каримов. 1938–2016	3
Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва тарих фани	4
<i>Тарих масалалари</i>	
Т. Гюль. Ўрта Осиёда Нана мабудасига эътиқод ва уни Чочдаги излари	13
А. Замонов. Шайбонийлар давлатида сулолавий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари	25
Қ. Яқубов. Хива хонлигида вақф ерларидан ижара тартибида фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёти	33
О. Пуговкина. 1917 йил февраль воқеалари Туркистоннинг сунгги генерал губернатори А.Н. Куропаткин хотираларида	44
А. Тоғаева. Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда шаҳар маданияти муаммолари	55
Ж. Перемкулов. Ўзбекистонда махсус индустриал зона сиёсати ва амалиёти (Антрэн шаҳри мисолида)	65
<i>Тарих фани методологияси</i>	
Д. Алимова. Тарих фани фанлараро синтез ва трансдисциплинарлик контекстида: тўлақонли тадқиқот йулида	74
<i>Тарихшунослик ва манбашунослик</i>	
О. Маҳмудов. Ўрта Осиё мутафаккирлари асарлари- нинг Европадаги таржималарига доир айрим мулоҳазалар (ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва ал-Форобий асарлари асосида)	87
Ш. Чориев. УзР МДА фондларида Туркистон АССР тарихига оид тарихий манбалар таснифи	97
<i>Этнология масалалари</i>	
А. Маликов. Ҳозирги замон антропологик концепцияларида уруғ ва қабилани ўрганишда айрим назарий ёндошувлар	105
Х. Жуманазаров. Ўзбек халқ табиатида табиблик касбини танлаш анъаналари	113
<i>Юбилей</i>	
А. Аширов. Ўзбек халқи этник тарихи ва этно- графиясини ўрганишда ўзига хос мактаб яратган этнограф олима Балкис Халиловна Кармишева (1916–2000 йй.)	120
<i>Таъзиянома. Олим хотирасига</i>	
А. Мухаммаджонов	125
И. Алимов	127
Н. Абдурахимова	129
К. Като	131

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ТАБИБЛИК КАСБИНИ ТАНЛАШ АНЪАНАЛАРИ

Табобат ютуқлари халқнинг асрлар давомида тўплаган маданий, ижтимоий ва хўжалик тажрибалари асосида пайдо бўлган. У инсон саломатлиги йўлида шифобахш гиёҳлар, руҳий таъсир қувватидан фойдаланиш усулларига асосланган халқ донишмандлигидир¹. Табиблик инсондан машаққатли меҳнатни ва узоқ изланишни талаб қилувчи жараёнدير. Тарихдан маълумки, қадимдан бошқа касб-хўналар каби табиблик касбини эгаллаш ҳам устоз-шогирд анъаналарига асосланиб, шогирд устознинг уйида яшаган ҳолда табобат сирларини ўрганган.

Анъанага кўра шогирд табиб сифатида мустақил фаолият юритиш учун бир қатор мураккаб синовлардан ўтган. Айнан мазкур синовлар орқали унинг руҳий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан касбга тайёргарлиги текширилган. Шундан сўнг у устозидан фотиҳа олиб мустақил фаолият бошлаган. Табиблик билан боғлиқ синовлардан муваффақиятли ўтган табибларгина халқ орасида обрў топиб, барчанинг оғирини енгил қилган ва ҳурматини қозониб келган².

Табобат илми фақатгина тиббий билимлардан иборат бўлмасдан, анатомия, ботаника, зоология, этика ва бошқа бир қанча фан ютуқларини ўзида мужассамлайди. Табобат тарихига бағишланган илмий адабиётлар ва Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларидан йиғилган дала этнографик материалларга асосланиб табибларни шартли равишда беш гуруҳга ажратиш мумкин:

— ота касби (табибликни аجدодларидан мерос сифатида ўзлаштирган шахслар);

— ўзи ёки яқин қариндошининг касаллиги сабаб табиб бўлган кишилар;

— тиббиёт соҳасида таълим олиб, табиблик билан шуғулланиш;

— табибликни устозга шогирд тушиб ўрганганлар;

— ўзида даво хислат (биоэнергия)ни сезиш натижасида табиблик қилиш.

Умуман олганда мазкур беш гуруҳга кирувчи табибларни кўплаб умумий хусусиятлар бирлаштира-да лекин ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу боис биз қуйида халқ табобати билан шуғулланувчи табибларнинг ўзига хос жиҳатларини бирмунча кенгроқ шарҳлашга ҳаракат қилдик.

• Ота касб (аждодларидан табибликни мерос сифатида ўзлаштирган шахслар)

Табиблик инсондан тинимсиз меҳнат, юксак билим ва муттасил кузатувни талаб қилади. Жумладан, табиб маълум касалликни даволаш ёки бир гиёҳнинг якка ҳамда бошқа гиёҳлар билан ҳамоҳанг келганда юзага келадиган хусусиятларини билиш учун ойлаб, ҳатто йиллаб мутолаа қилган, турли тажрибалар

¹ Жа в л и е в Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 24-б.

² А с а д А с и л. Топтаганга тоғ чидамас // Қишлоқ ҳаёти. 2000 йил 28 апрель.

олиб борган³. Шу сабабли табиблар ўзлари қийинчилик билан эришган ютуқларини бошқаларга ўргатишни ёки сирини ошкор қилишни хоҳламаганлиги боис табиблик сирлари оиладан ташқарига чиқмаган. Натижада ўзбек халқида учровчи табиблар орасида бирмунча кўп кузатиладиган ҳолат, яъни билим ва тажрибани отадан ўнгилга ёки яқин қариндошга мерос бўлиб ўтиши анъанасидир.

Халқ табобатини ўрганиш борасида олиб борган дала-этнографик кузатувларимиз жараёнида шунга амин бўлдики, ҳар бир табиб ўз даволаш усулига эга. Одатда икки табиб бир хил касални умумий тиббий илмлар асосида муолажа қилиш билан бирга, даволаш жараёнида фақатгина ўзларига маълум бўлган усулларни қўллайди. Даволаш жараёни билан боғлиқ касбий сирларни оилавий тор доирада бўлиши инсонлар учун мавҳум бўлган турли дорилар ва даволаш усуллари кашф қилиниши билан бирга сулолавий табибларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Жумладан, очлик билан даволовчи табиб, тандирга солиб даволовчи табиб, нон ва хамирли таомлар бермасдан даволовчи табиб ва х. к.

Табобатда сулолавий шажараларнинг пайдо бўлишига сабаб, ҳар бир сулоланинг табобатга оид ўз сирини ва усули бор. Халқ табобатида сулолалар сони қанча кўп бўлса табобат анъаналари, усуллари ва воситалари ҳам ранг - баранг бўлиши табиий.

Табиб ўз касбий сирларини аввало ўғли ёки қизиға ўргатган. Баъзи ҳолларда табибнинг фарзанди бўлмаса, яқин қариндошиға ўз касбини ўргатган. Табобат билан боғлиқ анъанаға кўра табибнинг фарзанди ёшлигидан ота касбини кузатиб бориши билан бирга отасига турли муолажаларда ёрдам берган. Натижада у беморларға ташхис қўйиш, уқалаш усулларини ўрганиши билан бирга дори тайёрлаш, гиёҳларни йиғиш жараёнларини ўзлаштирган. Табибликни ўрганишнинг бу усули ҳозирда ҳам кенг тарқалган ва табобат билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини сақланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Бошқа томондан аксарият табибларнинг фикрича, бу илм «суяк-суради», яъни илоҳий равишда бир уруғ ёки насл давомчиларига ўтиб боради⁴. Шу боис ҳам баъзан аждоглари табиб бўлган кишилар табобатға жиддий қизиқишмаса-да, улардаги табиблик уқуви шоғирд тушиб ўрганганларға қараганда ажралиб туради. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, сулолавий табиблик билан шуғулланиш нафақат ўзбекларда, балки турли бошқа халқлар табобатида ҳам етакчилик қилади.

• *Ўзи ёки яқин қариндошининг касаллиги сабабли табиб бўлган кишилар*

Табибликни эгаллашнинг навбатдаги муҳим омили инсоннинг яқин одами ёки ўзи қаттиқ хасталаниши туфайли юз беради. Айрим касалликка даво топиш мақсадида баъзи кишилар турли тиббий адабиётларни муголаа қилиши, мавжуд дориларнинг таркиби ҳамда уни қўллаш билан боғлиқ илмни ўзлаштириши билан табобатнинг айрим соҳасида кузатиладиган касалликларни даволаш бўйича

³ Дала ёзувлари. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани. 2016 йил.

⁴ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри. 2015 йил.

тасаввур ва билимларга эга бўлади. Жумладан, Бухоро вилоятида яшовчи табибнинг айтишича — аввал онаси, сўнгра турмуш ўртоғи касал бўлган. Замонавий тиббиёт муолажаси натижа бермагач, ўзи халқ табобати сирларини ўрганиб⁵, онаси ва турмуш ўртоғида учраган касалликларни даволаш учун гиёҳлар ёрдамида дори тайёрлашни ўрганган. Лекин бу табиб бўлиш ва мустақил фаолият юритиш учун етарли эмас. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, шарқ табобати инсон танасини табиат билан яхлит ҳолда ўрганади⁶ ва бир хил касалликка чалинган беморларни даволашда уларнинг, жинси, ёши, жисмоний аҳволи, турмуш шароити, касби ҳамда мизожига⁷ эътибор берилади. Чунки, кўп ҳолларда бир касалга чалинган беморларнинг мизожи ҳам бир хил бўлмайди. Шу сабабли уларга алоҳида-алоҳида ёндашув бўлган. Самарқандлик табиб Салим Абдуллаевнинг айтишича, «табобатда ташхис қўйиш, беморнинг мизожини билиш ва халқ табобати билан боғлиқ бошқа кўплаб назарий билимларни амалиётда қўлланилмасдан, устоз қўл остида тажриба орттирмасдан даволаш амалиётини олиб боришга рухсат берилиши мумкин эмас»⁸. Тиббиёт илмидан хабардор шахс уни тўлиқ эгаллаши учун соҳада табибга шогирд тушиб, тиббий билимлар ва амалиёт тажрибаларини ўрганган. Жумладан, наманганлик табиб Муҳиддин Умаров ўз устозидан ўн олти йил мобайнида халқ табобати сирларини ўрганган⁹.

Замонавий табиблар орасида табобатга юқоридаги сабаб туфайли кириб келганлар ҳам кўплаб учрайди. Аммо уларнинг аксарияти соҳанинг кўзга кўринган вакиллари билан устоз-шогирдлик анъаналарига амал қилган.

Ўзбекистонда табиблар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Халқ табобат Академияси Республикада табобат билан шуғулланувчиларни ҳар икки ойда йиғиб, тажрибали табиблар иштирокида машғулотлар ташкил қилишининг сабабларидан бири айнан шу турдаги табиблар фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратилган.

• Тиббиёт соҳасида таълим олиб, табиблик билан шуғулланиш

Халқ табобати анъаналарига кўра, табиб аввало инсоннинг ички ва ташқи тузилишини мукамал билиши, бошқача айтганда инсон танасининг фаолиятини тушунишига катта эътибор қаратилган. Лекин афсуски, ҳозирги кунда халқ табобати йўналишида ўрта маълумотга эга табиблар баъзи касалликларни даволашда доимо ҳам етарли билимга эга бўлмайдилар. Шу сабабли кейинги пайтда тиббий билими бор шифокорларнинг табобат билан шуғулланиши ёки

⁵ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри. 2015 йил.

⁶ С а л о в М. Мустақил Ўзбекистон халқ табобатига муҳтож // Халқ сўзи. 1992 йил 4 сентябр.

⁷ Мижоз — арабча «мослашган», «аралашши» маъноларини билдиради. Қаранг: Абдувалиев А. Мижоз концепцияси — Ибн Синонинг тиббий таълимотининг фалсафий негизи // Ўзбекистон тиббиёт журнали. 2004. № 5. 124–6.

⁸ Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Нарпай тумани. 2016 йил.

⁹ М и р в а л и е в С. Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз. Тошкент: Фан, 2005. 28–6.

Ўзини табиб сифатида фаолият юритиш ҳоллари учрамоқда. Бу ўринда эътиборли томони, уларнинг ўз ихтисослиги билан эмас балки табиблик касби билан шуғулланишидир. Этнографик маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, бу турдаги респондентларнинг аксарияти айрим касалликларни даволашда тиббиёт ожиз қолгач ёки ўзларини тиббий билимлари етмагач, давони халқ табобатидан излаган. Натижада уларнинг табобатга қизиқиши ортди. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда яна бир гуруҳ табибларнинг ота-боболари танилган табиб сифатида фаолият юритган. Оилада табиблик билан боғлиқ анъаналарни ва айрим тиббий китоблар сақланиб қолганлиги боис, уларнинг тиббиёт соҳасида олий маълумот эгаси бўлса-да аслида ўзини ота касби билан шуғулланишига сабаб бўлган. Шунингдек, бунинг яна бир сабаби совет ҳокимияти томонидан малакали кадрларни даволаш билан шуғулланишига рухсат берилиши сабабли анъанавий табибларни таъқибга олинишидир¹⁰. Лекин шунга қарамай айрим табиб авлодлари табиблик билан шуғулланса-да, таъқибдан қутулиш ҳамда оилавий анъаналарни сақлаш ва уни илмий асослаш учун ҳам олий тиббиёт таълим масканида ўқишган.

Мазкур муаммога бошқа томондан ёндашадиган бўлсак, замонавий тиббиёт ва халқ табобат анъаналарини алоҳида ажратиб ўрганиш муаммога ечим бермайди. Чунки ҳар икки ҳолат ҳам аслида бир-бирини тўлдириб, умумийликни ташкил қилади. Чунончи, айрим ҳолларда беморнинг кимёвий дориларга ёки маълум турдаги тиббиёт воситаларига бўлган аллергияси натижасида муолажа чекланиши ва чўзилиши мумкин. Айнан мазкур ҳолатни олдини олишнинг энг муқобил варианты халқ табобати ҳисобланади. Бошқа томондан, шифокор тиббий муолажалар жараёнида сўз билан беморни кайфиятига таъсир ўтказиб, руҳий далда бўлиш орқали ҳам беморга хасталикни енгиллашга ёрдам беради. Бундан кўринадики, етарли билим ва малакага эга замонавий тиббиёт ҳодимлари ўзларини «табиб» деб эълон қилмаса-да халқ табобати анъаналаридан хабардор ва бу анъаналарни тиббиёт ютуқлари билан муштарак тарзда қўллайдди.

Беморга ташхис қўйиш усуллари, доривор гиёҳлар, минералларни ҳусусиятларини билиш ҳамда айрим даволаш жараёнларидаги ўхшашликлар замонавий тиббиёт ҳодимларининг табобат илмига қизиқишини ошириб, фаолияти давомида табобат анъаналаридан қўллаш имконини беради. Ҳозирда табиблар фаолиятини ташкиллаштирувчи Халқ табобат Академияси ҳам аксарият табиблик касбини ўрганмоқчи бўлган талабгорларни тиббиёт вакиллари орасида танлаб олмақда. Чунки барча тиббиёт ҳодимлари анатомик билимлардан хабардор шахслардир¹¹. Бу эса ўз навбатида табиблик сирларини эгаллашда ўзига хос қулайлик яратади.

¹⁰ Қаранг: Традиционная медицина: политика и практика профессионализации / Под ред. Ярославской-Смирновой Е.М. Вариант. 2011. 17-б; Сейфулмулюков И. К. вопрос о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9–10. 71-б.

¹¹ Б е х з о д и й. Халқ табобат Академияси / [http:// tib.islom.uz/xalq-tabobati.htm](http://tib.islom.uz/xalq-tabobati.htm). 2012 йил, 26 май.

• Табибликни устозга шогирд тушиб урганганлар

Халқ табобатида бошқа ҳунарларда бўлгани каби устоз-шогирдлик анъаналари мавжуд. Табиб айрим ҳолларда табобатга қизиқувчи ёки шу касбга ўқуви бўлган шогирдларни танлаб олиб тарбиялайди. Юқориди айтилганидек, табибнинг фарзанди йўқлиги ёки болаларнинг соҳага қизиқмаслиги оқибатида четдан шогирд қабул қилинган. Бунинг боиси, табибга маълум бўлган тиббий билимлар ва аждодлар ёки ўзи яратган мактабнинг йўқолиб кетишини олдини олишдир.

Одатда бошқаларнинг табобатга қизиқишига касбнинг сирли томонлари, табибнинг катта ҳурматга эга эканлиги, ён атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазалари сабаб бўлади. Табобатга қизиққан шахс аввало ўзига устоз танлайди. Бунда замонасининг кўзга кўринган ҳамда яхши фазилатлар билан ном чиқарган табиблар танланади. Анъанага кўра одатда табиб шогирдликка қабул қилганидан сўнг табибликка оид билимларни эгаллаш жараёни бошланади. Табиб танлаб олган шогирдини ўз фарзандидан кам кўрмаслиги, ўзи билган барча тиб билимларини ўргатиши, шогирднинг маънавий тарбияси билан ҳам шуғулланиши жоиз. Табобатда шогирдлик муддати узоқ вақтни талаб қилганлиги боис унинг аниқ вақт чегараси мавжуд эмас. Мазкур муддат шогирднинг зеҳни, хотира кучи, кузатувчанлиги каби бир қанча шахсий ва касбий фазилатлари билан боғлиқ бўлган. Зардуштийларнинг «Авесто» китобида ҳам табобатни ўрганаётган шогирд ўқишни узоқ йиллар давом эттириши ва бир қанча синовлардан сўнг мустақил фаолият бошлаши айтилади¹². Ҳозирда табобат билан шуғулланишни мақсад қилиб, шогирдлик муддатини ўтаётган ёки шогирдликни тугатиб, мустақил фаолият юритаётган бир қанча табибларни учратиш мумкин. Замон талабларидан келиб чиқиб, табибларнинг бўлажак шогирдлар учун кўядиган талаблари ҳам ўзгариб бормоқда: масалан, шарқ тилларни билиш, компьютер сабоқларидан хабардор бўлиш ва бошқалар. Устоз-шогирдлик анъаналари туфайли табобатнинг илмий асоси билан бир қаторда муомала қоидалари, устоз ва шогирдлик маданияти каби маънавий қиёфаси шаклланган.

• Ўзда даво хислат (биоэнергия)ни сезиш натижасида табиблик қилиш

Табиблар ҳам соҳасига қараб бир қанча гуруҳларга, жумладан, тажрибага суяниб даволовчилар, сеҳр-жоду ёрдамида даволовчилар ва ички қувват ёрдамига таяниб даволовчиларга бўлинади¹³. Халқ табобатида ўзининг ички биоқуввати ёрдами билан даволовчиларнинг ҳам табиблик касбини танлаш йўли ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг бошқа табиблардан фарқли томони шундаки, уларда бошқа эмпирик табобат вакиллари каби тиббий тушунчалар,

¹² Ҳомидий Ҳ., Дўсчонов Б. «Авесто» ва тиббиёт. Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2001. 23-б.

¹³ Sophie Hohmann. Ouzbekistan. Instrumentalisation politique de la médecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. 2008/3 (n° 1067). P. 24; Бромлей Ю. Народная медицина как предмет этнографических исследований // СЭ. 1976. № 5. 6-б.

билимлар бўлмаслиги ёки ўзининг даволаш усулини бошқаларга тушунтириб бера олмаслиги билан ажралиб туради. Кўп ҳолларда биоқувват эгалари бошқа эмпирик табиблар каби йиллар давомида шогирд тушиб ёки мутолаа қилган ҳолда табиб бўлиб етишишмайди. Чунки ҳаммада ҳам бундай хусусият мавжуд эмас. Республика вилоятларидан тўпланган этнографик маълумотлар шуни кўрсатадики, биоқувват ёки бошқа шунга ўхшаш хислатли кишиларнинг аксарияти авваллари турли бошқа касблар билан шуғулланганлар. Айрим шахслар ёшлари улғайиб борган сари ўзида шундай куч борлигини сеза бошласа, иккинчи гуруҳ кишилар қаттиқ касалга чалиниши ёки узоқ вақт касаликка чалиниб, маълум муддат ётиб қолиши натижасида биоқувватга эга бўлган экан. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айнан бундай табиблар бошқа табибларга нисбатан жудаям оз учрайди. Лекин жаҳон миқёсида бу тур табиблари учун ҳам қўлланмалар, адабиётлар бўлиб, улар шу соҳада обрў қозонган шахслар томонидан ёзилган. Демак, биоқувват эгалари ҳам мутолаа қилиш натижасида ўз қуввати ни назорат қилиш, уни тўғри йўналтириш каби қоидаларни ўрганиши мумкин.

Кишилар табиблик касбини турли омиллар орқали эгаллашлари натижасида таоботнинг илмий жиҳатдан мустаҳкамланиши ҳамда касбнинг ўзига хос маънавий қиёфаси шаклланди. Устоз табибнинг ўқитиш методикаси, шогирднинг устозга бўлган муносабати шу омиллар асосида пайдо бўлди. Бу касбни танлаш омиллари орасида яққол бирини устун қилиб кўрсатиш мумкин эмас, зеро ҳар кимда турли сабаблар ва шароит натижасида табибликка қизиқиш юзага келган. Унинг етакчи табиб бўлиб етишишида устознинг илм даражаси ҳамда ўзининг касбий ва шахсий фазилатлари асосий ўрин тутган. Биз фақат табиблик касбини эгаллашда кўп учрайдиган асосий беш омилни тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик. Биз тилга олган омиллардан ташқари бошқа таъсирлар натижасида ҳам инсонни бу касбга йўналтириш мумкин. Чунки одамларнинг асрлар давомида халқ таоботи воситаларидан фойдаланиб келиши яшаш учун курашни билдиради¹⁴. Таобот илми ва табиблик касбига бўлган эҳтиёж натижасида қадим даврларда пайдо бўлган бу соҳа бугунги кунга қадар яшаб келмоқда. Инсон аксар ҳолларда замонавий тиббиёт ютуқларига мурожаат қилсада, таобот ютуқлари ҳамда анъаналарни ўзида сақлаб қолишини кўришимиз мумкин. Чунки, азалдан табиблар халқ орасида яшаб, ҳар бир оиланинг шароити, оилавий анъаналари ва сирларидан хабардор бўлган. Шу сабабли халқ ўз сирлари ва айрим касаллик жараёнларини табибларга «ўз одами» сифатида айтишган. Табиблик касбини мукамал эгаллаш таоботни тараққий этишига ва халқ саломатлиги соҳасида арзон ва қулай даво усулларини илмий асослашга хизмат қилади.

¹⁴ Ў л ж а б о е в а Н. Халқ таоботи хазинасидан жавоҳирлар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 16-б.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ТАБИБЛИК КАСБИНИ
ТАНЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

Мақолада табиблик касбини танлаш ва у билан боғлиқ омиллар таҳлил қилинган. Табибликни ота касб сифатида, устоз-шогирдлик аънаси асосида ҳамда ўзида ғайритабиий хислат борлигини англаган ҳолда ўрганиш ҳолатлари очиб берилган. Шу билан бир қаторда шогирдлик муддати, бўлажак табибдан талаб қилинадиган хислатлар этнографик маълумотлар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: табиб, устоз ва шогирд, экстрасенс, тиббиёт ходими, аъна, мизож, касб сири, ота касб, сулола.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

**ТРАДИЦИИ В ВЫБОРЕ ПРОФЕССИИ ЛЕКАРЯ
В УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЕ**

В статье проанализированы факторы, связанные с выбором профессии лекаря, а также раскрываются такие стороны, как выбор профессии лекаря на основе наследственного принципа, традиций «учитель—ученик» и осознания в себе сверхъестественных способностей. На основе этнографических данных освещаются длительность ученичества, требования к качествам будущего лекаря.

H. JUMANAZAROV

**TRADITIONS WHICH SELECTION OF QUACKERY PROFESSION
AT THE UZBEK PEOPLE MEDICINE**

In this article give choice quicker professions factors. Studying quicker in the capacity of father's profession teachers learner's traditions and realizing supernatural quality by yourself. Side by side with this analysing learners date future quicker qualities with ethnographic information.